

**NAVOIY INNOVATSIYALAR
UNIVERSITETI**



**“OLIIY TA’LIMDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VA INNOVATSIYA:
FAN, TA’LIM, TARBIYA” MAVZUSIDAGI XALQARO MIQYOSDAGI
ILMIY-TEXNIK ANJUMAN**

NAVOIY, 2024-YIL 18-APREL

**“ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИННОВАЦИИ В ВЫСШЕМ
ОБРАЗОВАНИИ: НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, ВОСПИТАНИЕ”
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ**

НАВОЙ, 18 АПРЕЛЬ 2024 ГОД

**“DIGITAL TECHNOLOGIES AND INNOVATION IN HIGHER EDUCATION:
SCIENCE, EDUCATION, UPBRINGING” INTERNATIONAL SCIENTIFIC
AND TECHNICAL CONFERENCE**

NAVOI, APRIL 18 2024 YEAR

NAVOI 2024

“Oliy ta’limda raqamli texnologiyalar va innovatsiya: fan, ta’lim, tarbiya” mavzusidagi xalqaro ilmiy-texnik anjuman materiallari.

Ushbu to’plam O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 20-martdagi “2024-yilda qo‘shimcha o‘tkaziladigan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 76-sonli buyrug‘iga asosan Navoiy innovatsiyalar universiteti tomonidan 2024-yil 18-aprel kuni o‘tkazilgan **“Oliy ta’limda raqamli texnologiyalar va innovatsiya: fan, ta’lim, tarbiya”** mavzusidagi xalqaro ilmiy-texnik anjuman materiallaridan tashkil topgan.

To‘plam materiallaridan mutaxassislar, olimlar, pedagoglar, professor-o‘qituvchilar, doktorantlar, mustaqil izlanuvchilar, magistrantlar va talabalar foydalanishlari mumkin.

Mas’ul muharrirlar:

- Sh.A.Atamuradov – iqtisod fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent
S.B.Sanayeva – pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori, dotsent

Taqrizchilar:

- D.X.Narzikulova – Navoiy davlat pedagogika instituti professori, pedagogika fanlari doktori
A.A.Ilyasov – Navoiy innovatsiyalar universiteti professori, tibbiyot fanlari doktori

Maqolalarni to‘plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

- Sh.N. Xaydarova – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
U.N. Umurzaqova – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, geografiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
M.B. Kubayeva – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
N.B. Kobulova – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
L.Z. Karayeva – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Texnik muharrir:

- N.Sh. Tosheva – Navoiy innovatsiyalar universiteti dotsenti, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Navoiy innovatsiyalar universiteti Kengashining 2024-yil 8-apreldagi 8-sonli qaroriga asosan nashrga tavsiya etildi. Ma’ruzalarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar mas’uldir.

© *Navoiy innovatsiyalar universiteti, 2024.*

**ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ЙИРИК САНОАТ
КОРХОНАЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ
ТАРИХИДАН**

**Холиқулова Шахноза Боймухамматовна (PhD)
Навоий давлат педагогика институти доценти в.б.**

Аннотация: муаллиф ушбу мақолада Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қуйи Зарафшон ҳудудида саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг кадрлар масаласида тўсиқларга дуч келганлига ва масалаларни ечимини далиллар орқали келтириб ўтган.

Калит сўзлар: кадрлар қўнимсизлиги, Тоғ-кон металлургия комбинати, касб хунар ўқув юртлари, Навоий кончилик институти, таълим тўловлари, дуал ҳамкорлик, халқаро ҳамкорлик,

Ҳозирги пайтда ижтимоий- иқтисодий соҳада юқори тараққиёт босқичига кўтарилган мамлакатларнинг ривожланишига таълим тизимига эътиборнинг кучайтирилиши асосий сабаблардан бири бўлган.

Таъкидлаш жоизки, собиқ иттифоқ даврида ҳам саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Бироқ бу корхоналарга ишчиларни, айниқса мутахассис кадрларни жойлаштириш сиёсати марказлаштирилган бўлиб, уларнинг турли тўсиқлардан ўтишига тўғри келган. Мазкур корхоналарга ишга жойлашиш истагида келган кўплаб маҳаллий кадрларга арзимаган важлар рўқач қилиниб, ортига қайтариб юборишган. Қишлоқдан келганларни шаҳарга ишга олишмаган, аммо республикамизнинг ташқарисидан келганлар эса ишга қабул қилинган[1]. Шу сабабли НКМҚда дастлабки йилларда кадрлар масаласида мураккаб вазият вужудга келди. Гап шундаки, комбинатнинг барча бўлимларида, айниқса руда қазиб олиш ва қайта ишлаб уни жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотга айлантиришнинг мураккаб технологиялари билан боғлиқ ўрта ва юқори бўғинларнинг раҳбарлик, техник ва технолог лавозимларида Россия, Украина, Белоруссиядан келганлар фаолият олиб борган. Бу кадрлар комбинатда ўнлаб йиллар давомида, айримлари комбинат ташкил этилган вақтдан ишлаб келган, аммо тажрибали маҳаллий кадрлар ниҳоятда кам эди. Корхонадан русийзабон мутахассисларнинг ишдан бўшаб, Республикадан кўчиб кетишининг биринчи тўлқини мустақиллик эълон қилинган даврда юз берган эди[2]. Шу сабаб маҳаллий кадрларга талаб кучайди.

ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1990 йил 14 февралдаги 9-сонли қарори ва 1990 й. 8 майдаги 249-сонли буйруғига асосан, Тошкент политехника институти (1992 йилдан Тошкент давлат техника университети- ТДТУ)нинг Навоий филиали Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти таркибига киритилган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 й. 29 май 229-сонли буйруғига асосан Навоий филиали ТДТУнинг таркибига киритилди.

Шу йили Зарафшон умутехника факультети қайта ташкил этилиб, Навоий филиали таркибига қўшиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 3 июндаги қарори билан ТошДТУнинг Навоий филиали техника коллежига айлантирилди[3]. Аммо саноат ишлаб чиқариши тобора ривожланиб бораётган Қуйи Зарафшон воҳасида техника олийгоҳига эҳтиёж катта эди.

Саноат ишлаб чиқариши, транспорт, кончилик иши ва қурилиш соҳасида ўрта махсус билимга эга бўлган кадрлар тайёрлаш учун Навоий саноат техникуми очилиб, унда кечки ва сиртки бўлимлар очилди. 1995 йил ушбу техникум 375 нафар мутахассис тайёрлаб берди. Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш учун ТДТУ, Тошкент кимё-технология институти, Самарқанд давлат меъморчилик ва қурилиш институти, Тошкент алоқа электротехника институти, Тошкент молия институти, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ маълум миқдорда кадрлар тайёрланди. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг тўлови ўтказиб берилди, талабаларга стипендиялар тўланди. Бундан ташқари, комбинат яхши баҳоларга ўқиган талабаларга стипендиянинг 60% ҳисобида қўшимча пул тўлаган. Аммо, айрим талабалар ўқишни битиргандан сўнг ишлаб бериш шартини бажармаган[4]. Шу каби муаммолар корхоналардаги ишлаб чиқариш суръатига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди.

1995 йил 15 июнда Навоий вилояти ҳокимияти, “Қизилқумнодирметаллолтин” концерни раиси ва “Навийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Қуйи Зарафшон воҳаси саноатини янада ривожлантириш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлашда етук мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурлигини инобатга олиб, кончилик институтини очиш таклифи билан ЎЗР Биринчи Президенти И.Каримовга мурожаат қилдилар. Ўз навбатида бу таклифни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика Геология ва минерал ресурслар қўмитаси қўллаб қувватлади[5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 10 декабрда қабул қилинган “Қизилқумнодирметаллолтин” давлат концерни ва Олмалик кон-металлургия комбинатини юқори малакали мутахассислар ва ишчилар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 1995-2000 йилларда бу йўналишдаги ҳаракатлар дастурини белгилаб берди[6]. Кон-металлургия соҳалари бўйича мутахассис кадрларга бўлган талабнинг тобора ошиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, 1995 йили Навоий шаҳрида “Қизилқумнодирметаллолтин” давлат концерни қошида Навоий кончилик институти ташкил этилди. Институт таркибида кончилик, кимё-металлургия, энерго-механика, Зарафшон шаҳрида умумтехника ва Олмалик шаҳрида кон-металлургия факультетлари очилди. 1996 йили Навоий кончилик институти ташаббуси ва НКМК ҳомийлигида лаёқатли ўсмирларни олий ўқув юртларига тайёрлаш учун институт қошида лицей-интернат очилди. Воҳада саноат ишлаб чиқариши, транспорт, кончилик иши ва қурилиш соҳасида ўрта

махсус билимга эга бўлган кадрлар тайёрлаш учун Навоий саноат техникуми очилиб, концерн ишчиларини кечки ва тезлаштирилган сиртки таълим тизими бўйича ўқитиш ишлари ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида “Устоз” (“Истеъдод”) жамғармаси орқали 17 нафар профессор-ўқитувчи хорижий давлатлар АҚШ, Канада, Франция, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур, Австрияда ҳамда 70 ортик ўқитувчилар Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари, ТДТУ, Ўзбекистон Миллий уневерситетларида малака ошириб қайтдилар[7]. Булардан ташқари, Хитой Халқ Республикасининг Чжучжоу ва Навоий шаҳри ўртасида биродарлик шартномаси (Навоий шаҳри) да икки шаҳар ўртасида дўстлик алоқаларини ўрнатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди[8]. 1996 й. март ойида Навоий шаҳар вакиллари Чжучжоу шаҳрида бўлишиб, белгиланган соҳаларда бошланган ҳамкорлик алоқаларини янги поғоналарга кўтариш ҳақида шартнома туздилар[8].

НКМКда юқори малакали мутахассис ва ишчи кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш, устоз-шогирт анъаналарини давом эттириш, жамоага қобилиятли ёшларни жалб қилиш орқали резерв кадрларни кўпайтиришга эътибор кучайтирилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 1991 йилга нисбатан 2000 йилга келиб комбинатда ишчилар сони 35,3 минг кишидан 71,6 минг кишига кўпайди[10].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 апрел 13 апрелдаги № 173-сонли қарори асосида Навоий шаҳар ҳокимининг 2004 йил 16 мартдаги № 315/03 қарори билан институтнинг янги биноси қурилиши учун 19,0 гектар ер майдони ажратилди[11]. 2016 йилда 2000 талабага мўлжалланган ўқув биноси ишга тушди. Давлатимиз раҳбари томонидан институт лабораторияларини замонавий асбоблар билан жиҳозлаш учун 6 миллион АҚШ доллари ажратилди. Бу маблағ ўқув, лаборатория ва илмий ускуналар, компьютер ва лингафон хоналари, видеоконференция жиҳозлари, спорт залларига сарфланди[2].

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда кадрлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кадрлар масаласини тўғри йўлга қўйиш мақсадида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг тажрибалари ва халқимизнинг миллий қадриятларга асосланган таълим тизимини шакллантиришга эътибор кучайтирилди. Таълим тизимида фаол ислохотлар ўтказилди. Грантлар ва халқаро шартномалар имзоланиб кадрлар малакасини ошириш бевосита ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам кенг жорий этилди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида Қуйи Зарафшон воҳаси саноат корхоналарида жаҳон бозорлари талабларига тўла жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning “O‘zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida” kitobini o‘rganish bo‘yicha o‘quv-uslubiy qo‘llanma.-Toshkent: O‘qituvchi, 2011. B-33-34.
2. Санакулов Қ. Янги истиқболлар сари. Комбинат расширяет горизонты. –Т. Mashhur-press, 2018.115-б. 142-б
3. Навоий давлат кончилик институти 10 йил (Масъул муҳаррир. Ш.Агзамов). –Навоий: ЎзР НКМК. 2005. 7- бет
4. Дўстлик байроғи. 11.07.1995й. №57
5. Навоий давлат кончилик институти 10 йил. Масъулмуҳарир.Агзамов Ш.–Навоий. ЎзР НКМК. 2005й. 7- бет. НавДПИ тарих факультети декани т.ф.н.доц Р.Қаршиев.
6. Комбинат, время, судьбы... /Сборник документов, статей, информация, воспоминаний (Под редакцией И.Н.Баталовой). –Ташкент: Изд. медицинской литературы имени Абу Али ибн Сино, 1998. –С. 91.
7. Истоқболли зиё маскани 20 йил (Масъул муҳарир Қ. Санакулов) – Навоий, 2015. 17-б.
8. ЎзРДА, Ф.-М 2, 1-рўйхат, 16-иш, 1-2 варақлар. 5-7 варақлар
9. Ўша жойда,.
10. Санакулов К.С. Инновационный прорыв Навоийского горно-металлургического комбината за двадцатилетие независимости Узбекистана. //Ўзбекистон кончилик хабарномаси. № 45, 2011 май.С-3.
11. Навоий давлат кончилик институти 10 йил. Масъулмуҳарир.Агзамов Ш.–Навоий. ЎзР НКМК. 2005й

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАРНИ ИННАВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЕЧИШ

**Мамадалиева Нозима Ашуровна, Исломова Рисолат Абдуллаевна
Ўзбекистон, Навоий Инновациялар университети “Иқтисодиёт ва
ахборот технологиялар” кафедраси доценти.**

Аннотация: Навоий вилоятида экологик туризмни ривожлантириш тадқиқоти натижасида туристлар сонининг ошишига қаратилган муаммоларни ечиш учун, 2019-2022 йиллар прогноз килиниб, унинг истиқболлари аниқланди.

Калит сўзлар: экологик туризм, туристлар сони, прогноз, туризм ресурслари, инфратузилма, ҳудудий маҳсулот, ялпи туристик оқим

SOLVING PROBLEMS OF ECOTOURISM DEVELOPMENT IN NAVOI REGION BASED ON INNOVATIVE TECHNOLOGIES